

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ МИСРДАГИ ВОҚЕАЛАРГА МУНОСАБАТИ



Муҳаммад Мурсий фақат Мисрда эмас, балки бутун Араб дунёсида илк даъфа халқ тарафида сайланган ягона раҳбар эди.

Демократик тамойилларга кўра иқтидорга сайлов билан келган раҳбар сайлов билан кетиши лозим. Аммо кўчадаги Мурсий ҳокимиятига қарши оломонга ҳарбийларнинг ҳам қўшилиши яна эски замонларни эслата бошлади.

Қизиги шундаки, кўпчилик демократик давлатлар бу машруъ ҳукуматга қарши бош кўтарган ҳарбийларнинг ҳаракатини ноқонуний кўрмаяпти, ҳар ҳолда, ҳозирги қадар бирортасининг овози чиқмади.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Мисрда юз берган сиёсий вазиятни халқ иродаси ўларок баҳолашдан узоқдир.

Биз Миср халқининг бу машаққатли синовдан шараф билан чиқишига ва энг тўғри йўлни танлашига ишонамиз.

**УХХ Муассислар Мажлиси**

Араб дунёсида, хусусан, унинг энг муҳим давлати бўлган Мисрдаги воқеаларни бутун мусулмон дунёси хавотир билан кузатмоқда.

Бу воқеаларни ташкиллаштиришда қандай кучлар асосий ролни ўйнаётганини муҳокама қилиш баробарида Миср халқининг бу кучларга қандай жавоб беражаги ҳам дунё жамоатчилигини қизиқтираётгани шубҳасиздир.

Чунки Мисрнинг жорий президенти

## РУСИЯДАГИ ЎЗБЕК – ГАСТАРБАЙТЕРЛАР МИЛЛАТ ШАРМАНДАЛИГИМИ?

Ўзбекистон Президентининг 2013 йил июнь ойида Жиззахдаги нутқи унинг энг муҳташам нутқларидан биридир. У бу нутқида мамлакатнинг гуллаб яшнаётгани ва муваффақиятлари ҳақида гапира туриб, Русиядаги ўзбек – гастарбайтерлари миллатни шарманда қилаётганини таъкидлади.

*(Давоми: 2-Бетда)*

## ЗУЛМГА ХИЗМАТКОР ҚОНУНИЯТ АДОЛАТДАН ЕНГИЛАДИ

Озодлик ва эркинлик, тутқунлик ва зулм ўртасидаги адолат учун кураш доимо мавжуд бўлган. Озод бўлиш — ҳурлик бўлса, тутқун бўлиш — хорликдир.

Инсоният учун ҳар замонда тартиб ва қоидалар жорий этилган. Улар баъзан ўта бе-шафқат, баъзан адолатли бўлган. Биз учун қонунлар ҳамиша бор бўлган ва бу бизнинг хайвоният туркумидан мутлақ ажралиб туришимиз белгисидир.

*(Давоми: 2-Бетда)*

## ҚОТИЛ УЧУН ЯШИЛ ЧИРОҚ

1 июль кунда Швециянинг Сундсвалл шаҳридаги апелляция суди биносиде ўзбекистонлик эр-хотин Боҳодир Пўлатов ва Нодира Аминовалар тагин айбсиз дея эълон қилинди. Маълумингизким, 2012 йилнинг 22 февраль кунда Стромсунд шаҳрида таниқли ўзбек имоми Обид қори Назаровга нисбатан суиқасд уюштирилганди.

*(Давоми: 3-Бетда)*

## ОЛМАЗОР ТУМАН ПРОКУРОРИ ЖИНОЯТЛАРНИ ЯШИРМОҚДА

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказилаётган бир пайтда, минг афсуски одамлар орасида америкапарастлар каби мавжуд тизимга бошқача кўз билан қарайдиган россияпарастлар ҳам пайдо бўлган. Уларнинг асосий мақсади – Ўзбекистонни Россия таъсири остига тушириш орқали ўзларининг ёвуз ниётларини амалга оширишдир. Шундай ғояга мойил бўлган одамлар давлат органи мулозимлари орасида ҳам учрамоқда. Шундайлардан бири Тошкент шаҳар Олмазор тумани прокурори К.И.Таджикулов ҳисобланади.

*(Давоми: 3-Бетда)*

## ФРАНЦИЯ: ГУЛНОРА КАРИМОВАГА ТЕГИШЛИ ИККИ КЎЧМАС МУЛК 'ХАТЛАНГАН'

Тошкентдаги «Фонд Форум»га яқин манбаъ Би-би-сига француз полицияси Гулнора Каримовага тегишли икки кўчмас мулкни хатлаганини тасдиқлади. Манбаънинг билдиришича, 17 ва 18 июн кунлари Гулнора Каримовага тегишли Париждаги ҳашамагли уй ва Сан Тропе оромгоҳидаги виллага муҳр босилган.

Франсуз полицияси Швейцарияда тергов қилинаётган ноқонуний пулларни ювиш билан боғлиқ жиноят иши доирасида амал қилгани айтилади.

Швейцария прокуратураси Франция ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўз сўровига биноан Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизига тегишли экани айтилган бир неча манзилга рейд уюштирганини тасдиқлаган.

Айтилишича, амалиётдан мақсад «хужжатларни қўлга киритиш бўлган».

### 'Фавқулодда вазият'

Тошкентдаги манбаънинг Би-би-сига маълум қилишича, рейд уюштирилган кунлар Гулнора Каримова Оврупо мамлакатларидан бирида оиласи билан дам олаётган бўлган.

Рейдлар борасидаги хабарни эшитгач,



Ўзбекистонга қайтишга қарор қилган.

«Ҳозирда у мазкур рейдлар юзасидан адвокатлар ёллашга ҳаракат қилмоқда», — деб айтди ушбу манбаъ.

Ҳодисани яқиндан тадқиқ қилган Organized Crime and Corruption Reporting Project нинг Би-би-сига айтишича, мулкни сотиб олиш учун Гулнора Каримова 95 фоиз улушга эга бўлган икки махсус ширкат таъсис этилган.

«Мазкур икки ширкат «Invest Studio» ва «InvestService Group» Швейцария ва Швецияда тергов остида бўлган ва Каримованинг яқин ҳамкорларидан саналган Алишер Эргашев томонидан бошқарилган», дейди Би-би-си манбаълари.

Швейцария ва Швецияда тергов қилинаётган жиноят ишлари доирасида ўзбекистонлик Гулнора Каримовага яқин шахсларга нисбатан айблов эълон қилинган, аммо Каримова хонимнинг ўзи гумондор эмас, деб ишонилади.

## РУСИЯДАГИ ЎЗБЕК – ГАСТАРБАЙТЕРЛАР МИЛЛАТНИНГ ШАРМАНДАЛИГИМИ?

Ўзбекистон Президентининг 2013 йил июнь ойида Жиззахдаги нутқи унинг энг мухташам нутқларидан биридир. У бу нутқида мамлакатнинг гуллаб яшнаётгани ва муваффақиятлари ҳақида гапира туриб, Россиядаги ўзбек – гастарбайтерлари миллатни шарманда қилаётганини таъкидлади.

Президент сўзининг давомида янада кизишди, Ўзбекистон иқтисоди тараккий қилаётган бир даврда ҳамюртларимиз орасида ватанимизда ишлаш ўрнига осон пул топишни ўйлайдиган “дангасалар” борлигини таъкидлади.

Ҳа, Ўзбекистоннинг Бош Иқтисодчи, Бош Сиёсатчи, Бош Ислохотчисининг бундай баёнотларидан кейин, агар ҳокимиятдаги шармандалик ва ҳукмдорнинг ахлоқсизлигини ҳисобга олсак, бу ҳақиқатан ҳам энг мухташам нутқларидан бири эди.

Албатта, мен бу шармандаликнинг ва ахлоқсизликнинг сабабларини бу ерда тадқиқ қилмоқчи эмасман. Бу иш билан шубҳасиз фақатгина Олимлар эмас, зиёлиларга хос бўлган ахлоқ эгалари шуғулланадилар. Умид қиламанки, бундай тадқиқотчилар

яқинда пайдо бўлишади ва уларнинг соясида жамият ўзининг яқин сиёсий тарихининг ҳақиқатларини, ҳамюртларимиз эса ўзларининг ким эканликларини билиб оладилар...

Бугун эса “юқорида” ҳам, “қуйида” ҳам ҳеч ким бирон нарса учун уйлашни ҳам, бирон масъулият олишни ҳам истамайпти. Ижтимоий чириш ва ўзини мукаддас “Рухоний” ўрнида кўраётган ва ватанимизнинг чегарасиз бўҳронига сабаб бўлаётган раҳбарнинг (яъни Ислон Каримовнинг) маразми ҳам давом этмоқда...

Бир сўз билан айтганда, ўзбекча иқтисодий тараккиёт ва унинг муаллифининг тақдир кун сайин яқинлашиб келмоқда...

Мен ўйлайманки, тўғрироғи биланманки, биз ....вақт яқинлашмоқда...

Жадидлар ҳаракат қилишган ҳақиқий ҳаётга бошлайдиган жасур йўллар очилади.

Фитратнинг эркин инсон фикрини ва ҳисларини баён қилган шу мисраларини эслайлик:

“Ватаним –руҳим, вужудим, сажда еримдир.

У менинг учун тўлин ой, шарафдир.



Менинг Каъбам, қибламсан гуллаган ватаним”.

Кунлар давомида кўлимга фотоаппаратимни олиб уйдан чиқаман ва атрофга қарайман. Ҳамманинг юзида “бошизмнинг”, яъни ўзбек иқтисодий моделининг асарларини кўраман. Масалан, мана бу кичканинги кўзларида болаларга хос булмаган қайғу бор... Бу бугунги Ўзбекистоннинг сиймоси менимча...

Изоҳ: Эътироф этаманки, “юқоридагилар” Ватан, Халқ ва Урф одатларимизни фақат сўздагина мадҳия қила туриб, ёлғон, ўғрилиқ ва шунга ўхшаш пасткашликлар билан машғул экан, жамиятиимизда эса бўйин эгиш ва оғриқдан бошқа нарсалар ҳам кузатилмоқда...

**Баҳодир Мусаев**



Фиръавн яратган қонуният асоси мутлақ зулм ва шахсга сиғинишдан иборат эди ёки Гитлер қонуниятининг юраги мутлақ итоат ҳамда ирқчилик эди. Аммо иккисида ҳам яққоҳимлик инстинкти ўзак эди. Дунёда одамлар онги ила жорий бўлажак ҳар бир қонуният манфа-

бошлашади, доимий мажбурлаш эса одамларда адолатга эҳтиёж сездира бошлайди.

Инсон табиатида ҳамиша ҳурликка интилиш қобилияти мавжуд, бу хусусият ҳамиша инсонни курашга чорлаб туради. Бу хусусият ҳамиша кўрқув хиссиётидан устунликка эга бўлган, бугунги кўрқув ила бош эгаётган инсон барибир бир куни исённи ихтиёр этади бунга сабаб эса озодликка интилиш ҳисси бўлади. Адолатсизлик ва зулм миқдори жамият бошида қонуниятни акс эттирар экан, унда ҳамиша муҳолифат

## ЗУЛМГА ХИЗМАТКОР ҚОНУНИЯТ АДОЛАТДАН ЕНГИЛАДИ

Озодлик ва эркинлик, тутқунлик ва зулм ўртасидаги адолат учун кураш доимо мавжуд бўлган. Озод бўлиш — ҳурлик бўлса, тутқун бўлиш — хорликдир.

Инсоният учун ҳар замонда тартиб ва қоидалар жорий этилган. Улар баъзан ўта бе-шафқат, баъзан адолатли бўлган. Биз учун қонунлар ҳамиша бор бўлган ва бу бизнинг хайвоният туркумидан мутлақ ажралиб туришимиз белгисидир.

Қонуният олдида ҳамманинг бир бўла олиши мутлақ мумкин эмас. Тартиб қоида жорий этган муаллиф учун бу қонуният худди бир асардир, унда у хохлаган қахрамонлар учун бу асар нажот бўлса, яна кимлар учундир азоб бўлади.

ат учун хизмат этади, бу қонуният бошқа қонунларни инкор этиб қолмай унга қарши исён этади. Ҳар ким ўзи учун муносиб қонун қоида негизини жорий этишни истади ва уни ислох этишни истади.

Одамлар ҳамиша бир қонуниятга бир умир ташна ва мухтож бўлмайдилар. Жорий қонуният улар учун ҳамиша зулм ва адолатсизлик бўлиб қолса, энди улар адолатли бошқа қонуният учун ишонч ва умидларини қурбон қила бошлайдилар. Вақт — жанг майдонидир, унинг ўтиши билан қонунлар бир бирига ғалаба қозонаверади.

Қонуниятда зулм миқдори раҳм-шафқат миқдоридан ошса одамлар янги қонуният туғилишини истай

қонунлари уйғонаверади ва озодлик учун курашаверади. Инсонлар ҳамиша зулм қонун бўлган ҳар ўлкада ҳар замон исён қилганлар ва ҳамиша адолат қонунларини дунёга келтирганлар.

Қонуният, деганда фақат итоат тушунилмайди, бунда инсон озодликни ҳис этиши муҳим, адолатни ҳис этиши муҳим, амин яшашни ҳис этиши муҳим, ҳурликни ҳис этиши муҳим. Инсонларни бундай ҳислардан йироқ қилган қонуниятлар зулм қонуниятларидир ва ҳалол оқибат бизнинг табиати-миз озодлик учун бизни курашга ва исёнга бошлаб чиқажак.

**ИЙМОН МУФАССАЛ**

1 июль кунида Швециянинг Сундсвалл шаҳридаги апелляция суди биносида ўзбекистонлик эр-хотин Боходир Пўлатов ва Нодири Аминовалар тагин айбосиз дея эълон қилинди. Маълумингизким, 2012 йилнинг 22 февраль кунинда Стромсунд шаҳрида таникли ўзбек имоми Обид қори Назаровга нисбатан суиқасд уюштирилган.

## ҚОТИЛ УЧУН ЯШИЛ ЧИРОҚ

Бу суиқасд ижрочиси аниқланди ва у Ўзбекистон фуқароси Юрий Жуковский эканлиги ҳам эълон қилинган. Швецияда олиб борилган тергов-суриштирув ишлари давомида, юқорида номлари зикр этилган ўзбекистонлик эр-хотинлар ҳам 2012 йилнинг май ойида жиноятга шерик сифатида ушланишган.

Швециянинг Остерсунд шаҳридаги биринчи инстанция судидаёқ бу жуфтликнинг жазога тортилиши имконсиз ҳолга келиб қолди. Сабаби оддий, улар Юрий Жуковскийга ёрдам берган бўлсаларда, бу ишни билмай қилишган ва айни мана шу иддаонинг ўзи уларни жазодан сақлаб келмоқда. Мана шу вақт ичида хориждан ўзбек тилида фаолият олиб борадиган барча оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлари Швецияда уюштирилган бу қотиллик, ҳамда эр-хотинларнинг жиноятчига кўрсатган ёрдамлари тафсилотларини ёритиб борди. Демак, бундан буён Швецияни ўзбекистонлик қочқинлар учун хавфсиз дея қараш ҳам ўринсиз эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Энди ёлланма қотилга кўмак берганлар ватанларига қайтиб кетишади, ёки Швециядан бошпана олиб, шу ерда қолишади. Албатта бундай қилишлари ҳам мумкин, яъни Ўзбекистонда бизга хавф бор деган баҳонани рўқач қилишса.

Мазкур суд тафсилотларини аввал-бошиданок ёритиб келаётган Остерсунд постен (Östersund posten) газетаси апелляция суди тафсилотларини келтириб ўтаркан, Обид қори Назаровнинг ўғли Довуд Назаров айтган бир сўзга урғу беради: <http://op.se/lanet/stromsund/1.6035908-imamens-son-gront-ljus-for-kommande-attentat->.

Сундсваллдаги апелляция суди қарорини шарҳлаган Довуд Назаров, бу қарор келгусида уюштирилиши мумкин бўлган шу каби қотилликлар учун “яшил чирок” эканлигини айтиб ўтган.

“Бу даҳшат! Ўзбекистондаги Каримов режими учун ҳам бу уларнинг содир этган жиноятларини очишнинг имкони йўқлигига сигнал бўлди”. – дейди Довуд Назаров.

(Det är ju hemskt. Karimovs regim i Uzbekistan får också en signal om att det inte är möjligt att bevisa deras brottsliga handlingar, säger David Nazarov. )

Мазкур ишнинг ўзбекистонлик Боходир Пўлатов ва Нодири Аминоваларга боғлиқ қисмини биринчи инстанцияда кўриб чиққан Остерсунд суди 2012 йилнинг 26 июлида ўз қарорини чиқараркан, жиноятни Юрий Жуковский содир этганлиги ҳам тасдиқланмаганлигини келтирган. Бирок бу сафарги суд қарори илгаригисидан фақат шу жиҳати билан фарқ қилмоқдаки, Юрий Жуковский бу суиқасднинг бевосита ижрочиси бўлган. Аммо қаерда у ва қачон жазога тортилади?

Швед телеканаллари ҳам бу жиноят ишини кузатиб бормоқда ва унда ҳам баъзи маълумотлар бериб борилапти. Мазкур телеканалнинг 1 июль кунги ўз дастурида эфирга узатилган материал 2012 йилнинг 22 февраль кунинда Обид қори Назаровнинг бошига учта ўқ текканлигини маълум қилади, ҳамда телевидения иддасига кўра, 35 ёшлик Юрий Жуковскийни Москвада Россия хавфсизлик федерал хизмати кўлга олган. Хозирда уни Швецияга экстрадиция қилиш сўзлашувлар бормоқда: “Апелляция судида озод қилинган бу жуфтлик ёлланма қотилга Мальмодаги ўз уйларида бекиниш учун имкон яратиб беришган. Унга компьютердан фойдаланиш имконини ҳам қилиб беришди, қурбоннинг қаерда яшашигини аниқлаштиришга, ҳамда ижарага автомобиль олишга ҳам кўмаклашишди. Шунингдек улар Назаров имомлик қиладиган Стромсунддаги масжидга ҳам келиб, унинг ҳақиқатдан ҳам шу ерда эканлигини аниқлаб кетишди”. – дея хабар қилади Швед телеканали.

(Paret som nu frias av hovrätten hjälpte attentatsmannen genom att tillfälligt hysa in honom i sin bostad i Malmö. Dom lånade ut sin dator, hjälpte till att lokalisera offret och hyrde en bil med vilken de sedan gemensamt gemensamt tog sig till Strömsund för att rekognosera och besöka moskén där Nazarov var imam.)



Швед оммавий ахборот воситаларида тарқалаётган маълумотларга эътибор қаратиладиган бўлса, суднинг қароридан швед журналистлари ҳам нозиб бўлаётганлигини сезиб олиш қийин эмас. Чунончи, Боходир Пўлатов ва Нодири Аминоваларнинг жиноятга шерик эканлигига бирор шубҳа йўқ, лекин нега уларни жиноятлари учун жавобгар қилиб бўлмапти?

Швеция полицияси Ўзбекистондаги каби, одамларни дўппослаб, унинг гарданига ҳаттоки содир этмаган жиноятни бўлсин, ёпиштириб юбора олмайди. Аммо шу кунгача тергов томони тақдим этган маълумотлар ёнламасига бўлсин, судланувчиларнинг жиноятчига шерик бўлганликларини исботлаб турибди. Лекин “билмай қилибман бу ишни” дея қутилиб қолиш фақат Европада бўлиши мумкин экан. Яъни, жиноят ишида прокуратура тўлиқ исбот билан далил келтира олмаган ҳар қандай факт, судланувчининг фойдасига хизмат қилади. Шунда ҳам, қурбон мусулмон бўлса. Масалан, Юрий Жуковский бирор яхудий раввинини, ёки швед пасторини отганида бундай бўлиб чиқмаган бўларди.

Ажаб эмас, яқин орада Европада мусулмонларга қарши содир этилган жиноятлар умуман жиноят сифатида кўрилмайдиган бўлиб ҳам қолса. Худди Гитлер Германиясида яхудийларни ўлдириш жиноят бўлмагани каби. Довуд Назаров Остерсунд постен (Östersund posten) газетасига таъкидлаб ўтганидек, келгусида Ислол Каримов режими мухолифларини Швецияда отиб кетиши, ўлдириши учун яшил чирок ёқилди.

Тўлқин Қорасев

## ОЛМАЗОР ТУМАН ПРОКУРОРИ ЖИНОЯТЛАРНИ ЯШИРМОҚДА

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказилаётган бир пайтда, минг афсуски одамлар орасида америкапарастлар каби мавжуд тизимга бошқача кўз билан қарайдиган россияпарастлар ҳам пайдо бўлган. Уларнинг асосий мақсади – Ўзбекистонни Россия таъсири остига тушириш орқали ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширишдир. Шундай ғояга мойил бўлган одамлар давлат органи мулозимлари орасида ҳам учрамоқда.

Шундайлардан бири Тошкент шаҳар Олмазор тумани прокурори К.И.Таджиқулов ҳисобланади. Бу инсон ушбу лавозимга тайинлангандан буён туманда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик афсуски камайиш ўрнига уларнинг сони йилдан йилга ошиб борди, лекин тошкент ш ИИББсининг 102-милиция чақирув хизмати аксарият жиноятларни (К.И.Таджиқуловдан кўрқиб) рўйхатга киритмай Президентдан яшириб келмоқда.

Олмазор тумани Тошкент шаҳридаги жиноятчилик энг кўп содир этиладиган туман ҳисобланиши кўпчиликка маълум. Ноқонуний яшовчи 200-250минга яқин вилоятлардан тирикчилик мақсадида (ўғрилиқ фохишаллик тиланчилик қилиб бўлсада)пул учун келганларнинг таъсири бор. Туман прокурори К.И.Таджиқулов маълум бир ҳуқуқбузарликларга кўз юмиб, ҳатто айримларига шахсан ўзи ҳам хомийлик қилган.

(Давоми кейинги саҳифада)

## ОЛМАЗОР ТУМАН ПРОКУРОРИ ЖИНОЯТЛАРНИ ЯШИРМОҚДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Масалан, 2006 йили одамлар орасида Тошкент шаҳар Олмазор туманида жойлашган 24-меҳрибонлик уйида болаларга етарли озиқ-овқат берилмаётганлиги ҳақида гап тарқалган эди.

Кунлардан бир кун Гулнора Каримова ушбу меҳрибонлик уйига тўсатдан ташриф буюради ва ушбу муассасадаги қатор камчилик ва хатоликларга дуч келади. Лекин жиний жавобгарликка тортилиши аниқ бўлган мудира Арофат опа жиннига чиқазилиб, руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилди.

Унга бу ишда “ёрдам қўлини чўзган” шахс, маккор Прокурор К.И.Таджиқулов эди. Орадан 4 ой ўтгач, меҳрибонлик уйининг собиқ мудираси касалхонадан (жиннихонадан) чиқазилиб “қахрамонли”ги учун шахсий автомашина эгасига айланди.

Худди шунга ўхшаш одамларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини “ёпди-ёпди” қилишда туман прокурори ёрдам қўлини чўзган яна бир инсон Муҳайё Саидовнадир. Бу инсон дастлаб ҳомийсининг кўмаги билан Олмазор туман Халқ таълими бўлими мудирини лавозимига тайинлашига муваффақ бўлди.

Аммо бир қанча вақтдан сўнг айрим жиний ҳатти-ҳаракатлари маълум бўлиб қолгач, ушбу лавозимдан гўёки четлатилган бўлиб, Сергели туман Халқ таълими мудирини эитиб тайинланди. Орадан йиллар ўтиб яна Олмазор тумани Халқ таълими мудирини 20013 мактаб директориликка ўтказилди.

Айрим манбаларга кўра Олмазор туман прокурори К.И.Таджиқулов Марат Кабаев деган россияпараст шахс билан жуда яқин дўст экан.

Бу шахснинг эса кимсан, Россия Президенти В.В. Путин билан яқинлиги борлигини кўпчилик гапиришади. Мана шу Марат исмли шахснинг қўллаб-қувватлаши эвазига Олмазор туман прокурори К.И.Таджиқуловни қанча камчилик ва хатоликларга йўл қўйишига қарамасдан лавозимидан четлатишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмаяпти. Шер қариса чиябўрига куч киради деганларидек. Туман раҳбарлари И А Каримовни менсимай ҳозирда Бош Вазирдан кўрқишади, чунки Бош Вазир ўзига ўхшаган россияпарастларнинг ҳомийсини ҳамда, Президентликни манфур “дўстлари”орқали зўравонлик қилиб олиш имконияти терроризм, коррупция... ниқоби остида рақибларининг тарафдорларини йўқ қила олиш имкониятининг катталигинидир. Энг кўрқинчлиси

Ўзбекистон Россиянинг мустамлакасига ўтиб қолмастлиги учун бундай Россияпарастлардан худо ўзи сакласин!. ИНСОННИ ЯХШИ-ЁМОНГА МЕХАНИК ТАРЗДА АЖРАТИБ БЎЛМАЙДИ. ИНСОН ИНСОННИ ЯХШИ КЎРМОҒИ, УНДАГИ ЁМОН ХИСЛАТЛАРДАН ФОРИХ БЎЛИШДА ЁРДАМ БЕРМОҒИ КЕРАК.

**Рахмат Кучкаров**

## ЮРТБОШИ ҚУРГАН РЕЖИМ ЎЗ ХЎЖАЙИНИНИ АЛДАЯПТИ

Ноқонуний президент Каримов яқинда Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида навбатдаги режалаштирилган сафарда бўлди. Сафар чоғида у вилоят аҳли билан учрашганда халқимиз вакиллари шаънига жуда бир ноўрин ва ёмон гапларни айтди. Россияда ва бошқа элларда меҳнат қилаётган ўзбек муҳожирларни (мардикорларни) дангасаликда айблаб, улардан жирканаман, деди.

Ўзбекистон президентининг мантқиққа ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган бу гапи, нима сабабдан ва қайси мақсадда айтилди? Москвада фаррошлик қилаётган меҳнат муҳожирларни, қайси миллатнинг обрўсини булғаяпти?

Москва кўчаларини озода саклаш аввало Москваликларнинг иши. Москва ҳокимияти ўз аҳолисининг ишчи кучи билан шаҳар озодлигининг улдасидан чиқаолмай, буни меҳнат муҳожирларининг ёрдамида амалга ошираётган бўлиши мумкин. Савет давридаги Москва бундай амалларга сиёсий тус бериб “Интернационал ёрдам” деб атаб эди.

Бу ерда ҳайфсан ишни бажараётган миллатга эмас, балки бундай ишни буюраётган миллатга берилиши керак. Чунки ҳақиқий дангасалик ўз кўчасидаги чиқиндилар билан ишлашни ўзига ор билганларнинг дангасалигидир...

Москвада фаррошлик қилаётган ўзбекнинг ватанида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб турганида эди, у албатта, заводдаги ЧПУ станогиде оператор ёки йиғув цехида мутахассис ишчи ўрнини эгаллаган бўлар эди. Ишлаш имконияти 100% бўлган Чкалов заводи ва бошқа заводлар, бугун нима учун ишламаяпти? Бунинг сабаблари кўпчиликка маълум. Шу жумладан Каримовга ҳам маълум.

Тўғри четда ишлаётган меҳнат муҳожирларимизнинг асосий мақсадлари тезроқ реал даромадга эга бўлишдир. Маҳаллий иш берувчилар сир эмас-ки меҳнат муҳожирларига техника хафсизлиги қоидаларига эътиборсиз, гигиена ва санитария шароитлари яхши бўлмаган ишларни берадилар. Бунинг устига амалга оширилган иш ҳажмига нисбатан оз иш ҳақи билан рағбатлантирадилар. Бундай вазиятда Каримов Москва маъмурлари билан битимлар тузиб, шу “дангасаларнинг” ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак эмасми?

Россия расмий ахборот воситаларининг қайд қилишларига қараганда, у ерда ўзбек меҳнат муҳожирларининг умумий сони 3.5 миллионга тенг экан. Аслида эса, бу кўрсаткич икки баробардан кўпроқдир. Меҳнат муҳожирлари “дангасалик” қилиб, ҳуқуқлари камситилган ҳолда Ватанига, яъни Каримов юртбошилик қилаётган элга йилига \$6.240. 000. 000. нақд валютада жўнатар эканлар. Бу рақам Россия марказий банкнинг 2012 йилги ҳисобатидан олинган.

Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудуди орқали Россиянинг бешта шаҳаридан Тошкентга ва бошқа шаҳарларга мунтазам қатнаётган поездлар ўтади. Мен кўпинча шу поездларда, Тўрткўлдан Тошкентгача йўловчи бўлиб келаман. Бу поездларда тинимсиз ва минглаб меҳнат муҳожирлари уйига келадилар ва яна қайтиб кетадилар. Мен уларнинг кўпчилиги билан Тошкент-

гача самимий суҳбат қиламан. Улардан жуда кўп нарсани ўргандим.

Уларнинг айтишларига қараганда, Россияда ўзбек мардикори меҳнатсеварлиги ва хушмуомаласи билан ўзига яраша ҳурматга эга экан. Муҳожирларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли вакиллари билан никоҳланиб, оилалик ҳам бўлаётган эканлар.

Мен поездда юриб, миллатимизнинг бир жиҳатини, яъни исрофгарчиликка йўл қўймай, тежамкорлик билан иш қилишини кўрдим. Россиядан келаётган ҳар бир йўловчи, ўзи билан кам деганда миллион сўмлик ҳар хил истеъмол молларни олиб келади. Телевизордан тортиб то газплитагача. Россиядан келтирилаётган истеъмол моллари анча арзонга тушар экан.

Тассавур қилинг, поездда 20 вагон бор. Ҳар бир вагонда 54 ўрин. Бир поездда мингга яқин йўловчи бўлса, 5 та поездда ҳар куни қанча истеъмол моллари, Ўзбекистон ҳудудида киритилаяпти? Қисқаси, ҳар куни миллиардларча сўмлик турли товарлар (нақд воллотадан ташқари) ватанимиз ҳудудига киритилаяпти.

Буларни назарга олмай, хориждаги ўз фуқароларидан жирканадиган ноқонуний Президент Каримовнинг эса бугун халқ олдидаги обрўси (рейтинги) ниҳоятда паст. Аслида Каримов халқ олдида обрўсизланаётганидан ҳам кўркмайди. Чунки унинг халқ билан иши йўқ. Фақат у агрофидага югурдаклари билан муомала қилади ва иш кўради.

Бошқа томондан ватанимиздаги ва дунёдаги стратегик вазиятдан келиб фикрлайдиган бўлсак, элимизда оддий ижтимоий учқундан кучли сиёсий аланга чиқиб кетиши ҳам мумкин. Буни Каримов жуда яхши тушунади. Шунинг учун ҳам “арзимаган” ижтимоий сабаб, яъни мардикорлар ғалаёни билан у ўз сиёсий режими ва карьерасига ўт тушиб кетишидан кўрқади.

Президентнинг сиёсий амаллари республика иқтисодига ва халқнинг моддий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатмаётганини халқ кўриб турибди. Ўзбек миллатининг ҳаётий муаммолари президентнинг ваъдалари билан эмас, балки мардикорларнинг меҳнати билан ва уларнинг уйига юбораётган долларлари билан амалга ошаётгани халқимиз ва дунё жамотчилиги кўзига яққол ташланапти.

Президентнинг ички сиёсати яъни, унинг халққа қилаётган хизмати, “хой баракаллачиликдан” нарига ўтмаяпти. Танланган далада, танланган одамлар орасида, расман: “Ишларинг яхши ва яна яхши бўлиши керак” деган тушунчалар билан гўё халққа сабоқ берапти.

Каримовнинг агрофидадаги хизматкорлари президентга ҳеч қачон ҳақиқий ахборотни ( Каримов хуш кўрмайдиган фактларни) ўтказмайдилар. Каримовнинг лавозимига ва шахсига қаратилган бундай қалбакчилик давлат ишларини барбод қилмоқда. Каримов ижод қилган режим ўзининг сохтакорлиги билан ўз хужайинини ҳам алдаяпти. Нағижада президент воқеаларга нотўғри баҳо бериб, вазиятни янада чигаллаштираяпти.

**Жуманиёзов Нураддин**

“Даракчи” газетасини варақлаб туриб, Гулнора хонимнинг интервьюсига кўзим тушди. Интервью аслида “Даракчи” учун берилмаган. Умуман олганда, хоним ўзбек матбуотининг бирор бир нашрига интервью бермайди. Газетадаги суҳбат ҳам таржима, чет элнинг қайсидир нашрига интервью берган, шуни ўзбек тилига ўгириб босишган. Хоним ҳақида маълумот

жўнатилади. Ҳожиларнинг бориш-келиш харажатлари яна фермерларнинг зиммасида... Фермерлар рози бўлиб тўлармикан ўша харажатларни, бировнинг ҳисобига ҳажга борган ҳожининг ҳажи-чи, қабулмикан?

Яқинда Навоий вилоятида ўтказилган “Асрлар садоси” тадбири кунларида Навоий шаҳридаги ҳамма дам олиш уйлари ва сана-

ди. Хайрия фондлари ҳам бисёр, албатта, аммо улардан фойдаланаётганлар неча фоиз экан?

Умму Иймоннинг саховати ҳақида гапирар эканмиз, бир ривоятни келтирмай иложимиз йўқ.

Араб китобларида келтирилишича, Умму Жамийл исмли бир бой аёл бўлиб, фақирларга хайр-эҳсон қилишда жуда машҳур эди. Одамлар келиб ундан ҳожатини сўраб, у қўлидан келгунча ёрдам берар эди. Бир куни иккита мискин унинг ҳузурига келди. Биринчиси, Оллоҳнинг фазлидан ва Умму Жамийлнинг фазлидан сўрайман, деди. Иккинчиси, Оллоҳнинг фазлидан сўрайман, деди. Биттаси Оллоҳдан, иккинчиси Умму Жамийлнинг сахийлигидан умид қилди. Умму Жамийлга ҳалиги гап ёқиб тушди-да, иккаласига биттадан сўйилган товуқ берди. Умму Жамийлнинг фазлидан сўрайман, деганнинг товуғини ичига 10 тангани тиқиб қўйди. Иккаласига бир хил 2 тангадан пул ҳам берди. Ўша бадбахт сал нари юриб, ҳар сафар товуғини шеригига сотиб, уни 2 тангасини олиб йўлига кетар эди. Умму Жамийлнинг фазлидан сўраган 4 тангага эга бўлса, Оллоҳнинг фазлидан сўраган иккита товуқ ва 10 тангага эга бўлар эди.

Демоқчимизки, бева бечора, етим-есирларнинг ҳақи бўлмиш закот пулларигача йиғиштириб олиб, сахийлик қилаётган Умму Иймоннинг фазлидан сўралмайди. Инсоннинг азизлиги одамлардан беҳожатлигидадир.

**Муаййада Шукурова**

## УММУ ИЙМОННИНГ ФАЗЛИДАН СЎРАЛМАЙДИ

берилар экан, Иймон ва Ислом исмли фарзандларнинг онаси, дейишибди. Исмлар жуда ўлмас ва жарангдор. Биз бу ҳақда эмас, Иймон-жонга она бўлмиш Умму Иймоннинг фазли ҳақида ёзмақчимиз.

Умму Иймоннинг саховати ҳақида ўзбек матбуоти ёзавериб ҳолдан тояди баъзан.

1000та никоҳ тўй, 1000 та суннат тўй... Бунақа тадбирларни санасак, яна мингтаси келиб чиқади. Вилоятларда ўтаётган бундай тўйларга хоним шунчаки меҳмон сифатида бориб келади, холос. Аслида бу тўйларни вилоят хокимлари шўрпешона фермерларга мажбурий тарзда юклаб уюштирадilar. Фермерлар ҳам бўйин товлаб кўрсинчи, ерлари тортиб олиниб, бошқа бир эгилувчан фермерга топширилади. Фермерлар зиммасига нафақат хонимнинг тўйларини ўтказиб беришлик, балки бошқа вазибалар ҳам юкланган. Масалан, ҳар йили ҳаж мавсумида ҳар бир вилоятдан маълум бир гуруҳ ҳажга

тоийлардаги касаллар мажбурий тарзда уй-уйига жўнатилади. Чунки меҳмонларга жой керак эди. Ақл бовар қилмайдиган ҳодиса... Санаторийларда асосан кексалар даволанади. Ҳаммаси бир кечада хонимнинг меҳмонларига жойини бўшатиб беришди.

Энг даҳшатлиси, эрта-индин Рамазон эшик қоқиб турибди. Закот мавсуми... Хоним бир ой рўзада ҳар битта масжидга учтадан одам қўйиб, масжидларга тушган закот пулларини йиғдириб олади. Имомлар қаттиқ назорат остига олинади, гуёки улар тушган закотларни бевабечорага тарқатиб юборадигандек. Закотнинг ўз эгаси бўлиб Ислом динида у эгасига топширилиши кераклиги ўқтирилган. Аммо хоним закотга ҳақдормикан?

Яқинда дўкон айланиб юриб, иккита аёлнинг суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. Бириси касалини даволатиш учун пул сўраб, хонимга хат ёзган бўлса, иккинчиси ўғлини ўқитиш учун ёрдам сўраб хат ёзиб-

## ЎХХ ГА, “ЭРК” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДА БИРЛАШАЙЛИК

Хурматли вагандош биродарлар, дўстлар, опа-сингиллар, онахону-отaxonлар! Бугунги кунда Ўзбекистон деб аталмиш она ватанимиз узра ноқонуний президент ҳисобланмиш И.Каримов ҳукмронлиги остида олиб борилаётган ижтимоий ҳаётимизда ўта салбийликка ва инқирозга юз тутган сиёсий, ҳамда иқтисодий тангликка, диктатура режимида қарши турган ҳолда, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига ва “Эрк” демократик партиясига аъзо, тарафдор бўлайлик! Сабаби, ЎХХ ва “Эрк” демократик партияси томонидан ишлаб чиқилган уставлари шакл-шубҳасиз ва тўла-тўқис Ўзбекистон халқининг манфатларига, унинг ижтимоий ҳаётига мос тарзда мукамал ишланган, шунингдек у тагинда мукамаллаштирилмоқда.

Колаверса, ҳақиқат ва адолат учун курашувчилардан ҳам ташкил топган партиядир бу. Бизлар ҳам сизлар

каби Ўзбекистон республикасининг ичидаги оддий халқ фуқароларидан ташкил топганмиз.

Азиз биродарлар, халқимизнинг фаровон ижтимоий ҳаёти учун курашаётган ЎХХ ва “Эрк” демократик партияси аъзоларига мадад бўлган ҳолда ва бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон республикасининг ноқонуний президенти И.Каримов, ҳамда унинг манфур ва манқурт ялоқхўрларига, колаверса ўзимизнинг ижтимоий ҳаётимизда ижобийлик акс этмоғи учун ҳам ЎХХ га, “Эрк” демократик партиясига аъзо бўлайлик, унга тарафдор бўлайлик!

Бу билан бизлар нафақат ЎХХ га ва “Эрк” демократик партиясига тарафдор, балки президент, аниқроғи диктатор И.Каримов ва унинг ҳукуматига барҳам беришга бел боғлаган гуруҳга қўшилган бўламиз.



Авалло Аллох, кейин ЎХХ ва “Эрк” демократик партияси бизга, сизларга мададкор бўлсин ва бизу сиз уларга ҳам мададкор бўлайлик! Агарда сизларда ЎХХ га ва “Эрк” демократик партиясига аъзо бўлмоқликка истак, хоҳишларингиз бўлса мана бу тел рақамларига мурожат этинг. Тошкент шаҳридаги телефон рақамлари:  
+998909271405. +998901224581.  
+998917804998

**Адолат учун Курашамиз**

**“Инқилоб учун қулай вақт келмади, ЎХХ?” мақоласига муносабат)**

1. Тарихда ҳам, бугун ҳам дунёнинг турли бурчақларида халқларнинг турли шаклдаги инқилоблари содир бўлган ва бўлмоқда.

2. Инқилоблар икки мақсадда амалга оширилади: А) Адолат ўрнатиш учун (масалан, “Араб баҳори”, дейилган инқилоблар). Б) Зулм ўрнатиш учун (масалан, Ленин бошқарган со-

ва бошқа ҳуқуқларининг дахлсизлигига тажовуз қилаётганини (бу ишбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир ва Ўзбекистондаги тузумнинг диктатура эканлигини халқимиз ҳам, дунё жамоатчилиги ҳам билади) ва БМТ инсон ҳуқуқлари ҳужжатида қайд қилинган халқнинг зулмга қарши исён (инқилоб) ҳаққи борлигини эътиборга олиб, бугун Ўзбекистон халқининг мавжуд диктатура режими га қарши инқилобга қўл уришга ҳаққи бор, деб биламиз.

**ХАЛҚ ИНҚИЛОБИ ҲАҚИДА ШАХСИЙ ФИКРЛАРИМ**

циалистик инқилоб, яқинда Туркияда муваффақиятсиз бўлган ва ҳозирги кунда Мисрда бошлатилган аксинқилоблар).

3. Адолат ҳар кимга табиий ҳаққини бериш ва зулм эса ҳар кимдан ушбу ҳақларни куч билан (ҳокимият ва курул воситасида) тортиб олишдир. Инсоннинг асосий табиий ҳақлари унинг:

Ҳаётининг дахлсизлиги (ҳаёт дахлсизлиги инсонларни ноҳақ ўлдириш ва тан жароҳати етказиш билан бузилади)

Ақлнинг дахлсизлиги (ақл дахлсизлиги спиртли ичимликлар, наркотик моддалар ва шунга ўхшаш инсон ақлига зарар берадиган нарсаларни ишлаб чиқиш ва истеъмолга руҳсат бериш билан бузилади)

Эътиқоднинг дахлсизлиги (эътиқод дахлсизлиги инсонларни бирор динга ёки мафкурага зўрлаб киритиш ёки ўзи ишонган дин ёки мафкурадан зўрлаб чиқариш билан бузилади)

Мол -мулкнинг дахлсизлиги (мол-мулк дахлсизлиги порахўрлик, судхўрлик, мол мулкни талон тарож қилиш, қароқчилик каби йўллар билан бузилади)

Обрў-эътиборнинг дахлсизлиги (инсоннинг обрў-эътибори унга тухмат ва бўхтон қилиш билан бузилади)

Наслнинг дахлсизлигидир (Инсон наслнинг дахлсизлиги никоҳсиз фарзандларни дунёга келтириш билан бузилади)

Бугун Ўзбекистонда ва дунёнинг кўпгина давлатларида инсонларнинг ушбу ҳақларига диктатура режимлари тажовуз қилмоқда. Айтиш мумкинки, бугунги дунё тузуми асосан инсониятнинг ушбу ҳақларини қўриш учун эмас, уларнинг дахлсизлигига тажовуз қилишга хизмат қилмоқда.

4. Инсонларга ушбу ҳақларини бериш учун қилинадиган эътиқодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, шу жумладан инқилоблар ҳам АДОЛАТ учун қилинган ҳаракатлар ва инқилоблар ҳисобланадилар. Бундай инқилобларга қўл уришнинг тўғри эканлиги БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Баённомаси кириш қисмида шундай таъриф этилган:

“Инсон охири чора сифатида зулм ва истибодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари конун кучи билан химоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб” (uzxalqharakati.com)

5. Ўзбекистондаги ҳозирги диктатура режими инсонларимизнинг юқорида айтилган асосий олти ҳуқуқининг

6. Ўзбекистон халқини эҳтимолий инқилобга бош уришга мажбур қилган асосий омил мавжуд диктатуранинг зулмидир. Муҳолифат, шу жумладан ЎХХ аввало инқилобсиз, тинч сиёсий йўллар билан режимнинг алмаштирилшини истайди. Аммо халқимиз БМТ ҳужжатида айтилгани каби “ охири чора сифатида зулм ва истибодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлиши” мумкин. Шунинг учун ҳам халқ қўзғолонининг ва унинг эҳтимолий исталмаган оқибатларининг бутун масъулияти халқимизга зулм қилаётган ва уни ҳақ ва ҳуқуқларидан маҳрум қилган ҳозирги диктатура режимининг зиммасида бўлади.

7. Инқилоблар адолатни ёки зулмни ўрнатиш учун бўлгани каби (2 -моддага қаранг) табиий ва сунъий шаклда ҳам бўлиши мумкин. Табиий инқилобларга мисоллар Тунис ва Мисрдаги инқилоблар, Туркияда бўлаётган инқилобий ислохотлардир (демак, инқилоблар исён шаклида бўлгани каби тинч ислохотлар шаклида ҳам бўлиши мумкин экан). Сунъий инқилобий уринишларни золим ҳуқуқматлар ёки бирор давлатда ўз манфаатини қўриш ёки қўлга киритиш учун халқни тўс -тўполонларга бошлайдиган ташқи кучлар амалга оширадilar. Масалан, ҳозирги кунда Туркия ва Мисрдаги аксинқилобий “инқилоблар”, 1999 Тошкентда ва 2005 йилда Андижонда бўлгани каби ҳуқуқмат назоратида амалга оширишга уринилган “инқилоблар”(аслида булар халқимиз ҳақиқий инқилобга бош урмасин дея диктатура ҳуқуқмати ташкил қилган фитналар эди).

8. Диктатура режими ниҳоятда ҳийлакор ва фитначи эканлигини асло унутмаслигимиз керак. Чунки бу режим халқнинг кайфиятини яхши билади ва ҳақиқий инқилобни йўққа чиқариш учун ундан олдин сунъий инқилобни ўзи “ўтказиб қўйиши” мумкин. Масалан, Тошкентда ёки бошқа катта шаҳарларда бир неча юз ёки бир неча минг кишини ўзи тўплаб, ўққа тутуши ва бунини муҳолифат исён қилди, дея халқимизни ва дунё жамоатчилигини алдашга уриниши мумкин.

9. Диктатура ҳуқуқмати 2014 йилги парламент ва 2015 йилги Президентлик сайловларидан олдин мана шундай сиёсий фитналарга (сохта инқилобларга) қўл уриши муминлигини асло унутмаслигимиз лозим.

10. Ҳозир Ўзбекистонда Конституциявий тузум йўқдир. Президент Ислоҳ Каримовнинг ваколатлари 2000 йилда ту-

гаган ва мана 14 йилдирки у ноқонуний Президент ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агар халқимиз ҳақиқий инқилобга бош урадиган бўлса, мавжуд диктатуранинг буни “Конституциявий тузумга тажовуз”, дея баҳолашга ҳаққи йўқ, чунки юқорида айтилгани каби ҳозир Ўзбекистонда Конституциявий тузумнинг ўзи йўқ.

11. Адолатли, яъни ҳақиқий инқилоб тўсатдан, режалаштирилмаган ҳолда (Тунис ва Мисрда бўлгани каби) бошланиб кетиши мумкин. Айтиш керакки, масалан Тунисда халқ инқилоби амалга ошганда инқилоб учун шартлар биздаги каби етишмаган эди. Содда сўз билан айтганда Тунис халқи инқилобга ҳозир эмасди, тунисликларнинг ўзлари ҳам Зайналобидин бин Али диктатурасига қарши инқилоб қила олишларига ишонмас эдилар. Худди бизнинг халқимиз мустақилликка тайёр бўлмасида, мустақиллик қўлга киритилгани каби. Аммо миллий шоиримиз Чўлпон айтгани каби “Халқ тўлқиндир, халқ кучдир...”. Бундай адолатли (яъни, табиий) инқилоб тўсатдан (масалан, Тошкентдаги футбол ўйинларининг бирдан кейин, катта концертлардан кейин ёки бозорларда содир бўлган бирор кўнгилсиз ҳодисадан кейин) бошланиб кетиши мумкин. Бундай инқилобнинг ҳуқуқмат ташкил қилиши мумкин бўлган сунъий “инқилобдан” фарқи бирдан ўн минглаб ва ҳатто юз минглаб кишиларнинг бир орада (масалан, Тошкентдаги мустақиллик майдонида) тўпланиши ва ҳуқуқматни истеъфога чиқишга талаб қилиши шаклида бўлиши мумкин. Бундай инқилоб учун қулай фурсат 2014 йилги парламент ёки 2015 йилги Президент сайловлари бўлиши мумкин. Чунки ноқонуний Президент Каримов ҳокимиятни яна ноқонуний равишда ўзи истаган одамга, масалан қизи Гулнорага топширишга уринса, бу халқимизнинг сабр қосасини тошириб юбориши ва бу эса табиий равишда халқнинг адолатли инқилобига сабаб бўлиши мумкин.

12. Халқимиз адолатли инқилобга бош уради экан, албатта бундай инқилобни ўзининг табиий ҳақ ва ҳуқуқларини ( 3 -моддага қаранг) химоя қиладиган сиёсий кучни ҳокимиятга келтириш учун амалга оширади. Яъни, халқнинг адолатли инқилобининг натижаси анархия (сиёсий ҳокимиятсизлик) бўла олмайди. Ҳозирги кунда бундай сиёсий ҳаракат ҳеч шубҳасиз Ўзбекистон Халқ Ҳаракатидир.

13. Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг сиёсий ташкилот сифатида уч кучли жиҳати бордир:

-Биринчидан, ЎХХ тўғри мафкурага эгадир. Ҳаракатимизнинг мафкураси уч кадриятга асосланади: Ўзбек халқининг миллий кадриятлари (она тилимиз, яхши урф ва одатларимиз, тарихимиз, абадиётимиз, санъатимиз ва ҳк), инсоният тараққиётининг ижобий хусусиятлари (инсонга ярашадиган инсон ҳуқуқларига амал қилиш, сўз ва матбуот эркинлиги, жамоат бирлашмалари тузиш, иқтисодий эркинликлар, ҳуқуқматни сайлаш эркинлиги, тинч намоийишлар ўтказиш каби эркинликлар) ва эътиқодий кадриятларимиз (имонли, ахлоқли, маънавиятли бўлиш ва ҳк).

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

-Иккинчидан, ЎХХ Каримов диктатура-расининг қаршилигига қарамай халқимиз ичида ва халқаро майдонда яхши танилган ва ташкилланган ҳаракатдир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг бизга эргашишига шубҳа қилмаймиз.

-Учинчидан, ЎХХ Мухаммад Солиҳ шахсида кучли сиёсий лидерга эгадир.

## ХАЛҚ ИНҚИЛОБИ ҲАҚИДА ШАХСИЙ ФИКРЛАРИМ

14. Халқнинг адолатли инқилоби ҳақида гапирар экан, кўшни Тожикистон ва Қирғизистондаги муваффақиятсиз инқилобларнинг тажрибаларини ҳам унутмаслигимиз керак. Тожикистон инқилоби диний шиорлар билан бошланганди. Айтиш керакки, Ислом дини инқилоб дини эмас, ислохот динидир. Яъни, бир зарба билан амалга ошадиган эмас, босқичма-босқич тараққий қилади. Куръони Карим 23 йилда нозил бўлганлигини асло унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда “халифат куриш, шарият ўрнатиш” каби шиорлар долзарб эмас, деб ўйлайман. Мусулмонларнинг бугунги асосий вазифаси (зотан халқимизнинг асосий қисми мусулмон) диний маърифат ва ўзаро иттифокни йўлга қўйишдир.

Шунинг учун ҳам халқимиз бугунги кунда сиёсий ташкилот бўлган айни пайтда ўз ғояси ва дастурида эътиқодий ва маънавий кадрларга ўрин берган, жамият ва давлат тараққиётининг ўрта ва мўътадил йўлини танлаган ЎХХ га эргашиши керак. Қирғизистондаги инқилоблар эса сунъий инқилоблар бўлди. Уларни аввало ўзларининг моддий, сиёсий манфаатларини ва қирғиз миллатчилигини асос қилиб олган шахслар ва ташкилотлар амалга оширдилар. Шунинг учун ҳам бу инқилоблар орзу қилинган натижаларни бермади ва бермапти.

15. Ҳозирги кунда ЎХХ аъзолари ва хайрихоҳларининг асосий вазифаси ҳаракатимизни халқимиз ичида янада кенгрок танитиш, диктатура режими-га қарши тарғибот ишларини кучайтириш, маҳаллаларда, қишлоқларда ва шаҳарларда ЎХХ бошланғич ташкилотларини (яширин ҳолда бўлса ҳам кичкина (масалан, ўн ўн беш кишилик гуруҳлар ҳолида тузиш) ва бу йўл билан инсонларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишдан иборатдир.

16. Ўзбекистондаги диктатура режими-дан кутулишнинг ягона йўли халқ инқилоби эмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак. Инқилоб ўрнига сиёсий ислохотлар ўтказилиши ҳам мумкин. Буни амалга ошириш масъулияти ҳам ҳозирги ҳукуматнинг зиммасидадир. Бунинг учун аввало 2014 йилги парламент ва 2015 йилги президентлик сайловлари ЎХХ иштирокида эркин ва адолатли шаклда, халқаро назоратчилар кузатувида ўтказилиши керак.

Мен бу ҳақда ўз фикрларимни Президент Каримовга ёзган мактубимда билдирганман. (қаранг: uzxalqharakati.com). Аммо ҳукумат бундай сиёсий ислохотлар

амалга оширмай, халққа қарши зулмини давом эттирадиган бўлса, халқнинг инқилоб қилиш эҳтимоли ҳам сақланиб қолаверади.

17. ЎХХ сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш ва бошқаришда ўз кадрлари бўлгани каби ҳозирги режимнинг жиноятларини бевосита амалга оширмаган кадрлар, шу жумладан марказий ва

маҳаллий ҳокимият маъмурлари, милиция ва ҳарбий кадрлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Бунинг шартини юқорида айтилгани каби бу инсонларнинг режим жиноятига шериклик қилмаганлигидир.

18. Ўзбекистонда халқ инқилоби бўлса ташқи кучлар ва давлатлар қандай муносабатда бўлади, деган масала ҳам муҳимдир. Англиянинг собиқ элчиси Крейг Муррей ва АҚШ Ташқи Ишлар Вазирлиги ёрдамчиси Блейк Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий муаммонинг асосан ички омилларга боғлиқ эканлигини таъкидлашди ва бу тўғри фикр, деб ўйлайман.

Ўзбекистон ташқи кучлар таъбири жихатидан, яъни уларнинг мамлакатнинг ички ишларига аралашishi жихатидан, масалан, Сурияга ўхшамайди. Шу бирга мамлакатимиздаги ўзгаришларга, шу жумладан халқ инқилобига ҳам бефарқ қолмайдиган давлатлар аввало Россия, Қозғистон ва Туркиядир, деган фикрдаман.

19. Ўзбекистонда халқ инқилобининг амалга ошиши жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг бирдан нормаллашишини ва зудлик билан иқтисодий тараққиётга эришини билдирмаслигини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки Каримов режими халқимизга жуда катта моддий ва маънавий зарарлар берди.

Ҳозир инсонларимиз ниҳоятда қашшоқлашган, миллионларча ёшларимиз хорижда Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда “дангасалик” қилмоқдалар. Инсонлар ичида ёлғон, манфаатпарастлик, ахлоқсизлик афсуски анча кенг тарқалган. Диктатуранинг бундай манфий меросларини ўртадан кўтариб ташлаш учун маълум вақт, яъни ўтиш даври керак бўлади. Халқларнинг қуллик ва зулм жамиятидан эркинлик ва адолат устун бўлган жамиятларга ўтиши одатда қулай бўлмайди. Халқни, жамиятни ва давлатни бошқариш, айниқса ўтиш даврида бошқариш ниҳоятда масъулиятли, кийин ва мураккаб масаладир.

Шунинг учун ҳам бундай даврда мумкин қадар кўпчилиكنинг талабларига жавоб бера оладиган сиёсий куч ҳукуматни бошқариши керак. Мумкин қадар деярман, чунки қуллик ва зулм (диктатура) режими-дан кейин келадиган эркинлик шароитида ҳеч бир сиёсий куч ҳамманинг ҳамма талабларига жавоб бера олмайди. Шунинг учун ҳам халқимизнинг мумкин қадар катта қисми ЎХХ ни қўллаб қувватлаши лозим, деб ўйлайман.

## УЙҒУР ФАТАЛИЗМИ



Шарқий Туркистонда сўнги кунларда рўй бераётган воқеалар, бир гуруҳ уйғур ўғлонларининг пичоқлар билан қуролланиб, полициячиларга ҳужум қилиши, уйғурларнинг ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётгани ҳақдаги воқеликни яна дунё жамоатчилиги диққат марказига қўйди, аммо бу диққат-эътиборда бирон бир туйғу йўқдир, агар бўлса ҳам, бу — уйғурларга ҳамдардлик туйғуси эмас, балки, улар олдидаги қўрқув туйғуси бўлиши мумкин.

На Ислом дунёсидан ва на да «Турк дунёси» деб аталмиш ҳамжамият тарафидан ва ҳатто на ўз мустақиллик курашларида ғоядош бўлиши лозим бўлган Тибет сепаратистлари тарафидан бирон бир ҳамдардлик ва ёки маънавий дастак олаётган ва ўзларини бутун дунёда ёп-ёлғиз ҳис қилаётган Уйғур туркларининг матонати ва кураши бу ёппа лоқайдлик фонида бу воқеаларни кузатиб турган кишида мудҳиш бир фатализм туйғусини уйғотади.

Факат пичоқлар билан қуролланиб, ўт очувчи қуроллар билан қуролланган аскарларнинг қазармаларига (ўтган йили шундай ҳужумлар натижасида 14 хитой аскарлари ҳалок бўлганди), полициячиларга ҳужум қилиш — инсонлардан феноменал бир жасоратни талаб қиладиган ҳаракатлардир.

Шу билан бирга бундай ақл бовар қилмас жасорат ортида Уйғур халқи фарзандларининг ўз озодлиги орзулари борасида нақадар чуқур умидсизликка тушганларини ҳам кўриш мумкин.

Бу умидсизлик Турк ва Ислом дунёсининг ўз миллат ва дин қардошлари тақдирига лоқайдлиги натижасида пайдо бўлган умидсизликдир.

## ЭХТИЁТ БЎЛИНГ! ЎЗБЕК “MALIBU”ЛАРИГА “ҚЎНҒИЗЧА”ЛАР ЎРНАТИЛГАН



Асакада ишлаб чиқарилаётган “Chevrolet Malibu” автомобиллари Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматининг талабига кўра махсус “қўнғизча”лар (яширин тинглаш мосламалари) билан жиҳозланмоқда, – дея хабар беради “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясидаги манба. Унинг айтишича, яширин эшитиш мосламалари автомобил салонининг торпедо қисмига ўрнатилган бўлиб, сўзлашувларни ёзиб олиб, махсус AudioGPS марказга етказишга мўлжалланган.

“Бу марказга етказилган аудиоёзувлар МХХнинг шаҳар ва вилоят бўлимлари ходимлари томонидан мунтазам тингланб борилади, тингланган сўзлашувлар асосида МХХчилар ўзларининг таҳлилчилари ва раҳбарларига ҳисоботлар тақдим этиб боришади”, – дейди “Ўзавтосаноат”даги

манба. Унинг сўзларига кўра, тақдим этилган ҳисоботларга таяниб, МХХ раҳбарлари “Malibu” эгаларига нисбатан у ёки бу чора қўллашади.

“Нега МХХнинг “қўнғизча”лари “Chevrolet”нинг бошқа моделларига эмас, айнан “Malibu”га жойлаштирилмоқда? Бу саволга жавоб оддий: тахминан 100 миллион сўм (қора бозор курси бўйича 35 минг доллар)

турадиган “Malibu” автомобилларини асосан энг бадавлат ва кўзга кўринган тадбиркорлар сотиб олишмоқда. Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ичида энг қиммати бўлиб қолаётган “Malibu” эгаларининг автомобилдаги сўзлашувлари МХХчиларни потенциал молиявий жиноятларга калит сифатида қизиқтираётган бўлиши мумкин”, – дейди “Ўзавтосаноат” ходими.

Ходим тақдим этган маълумотларни Тошкентдаги қатор автосервисларнинг электрикчлари ҳам тасдиқлашди. Хорижий автомобилларни таъмирлашга ихтисослашган автоустахоналардан бирида электрик бўлиб ишлайдиган Владиславнинг айтишича, “Malibu” эгаларининг баъзилари ўз автомобилларида яширин эшитиш мосламалари ўрнатилганини билишади. “Лекин улар “қўнғизча”ларни ўз автомобилларидан

олиб ташлашга кўркишади. Чунки шу ишни қилганларни МХХ “сухбат”га чақириб, қаттиқ кўркитиб, минимикрофонларни жойига қўйишни талаб қилган”, – дейди Владислав.

Автоэлектрикнинг айтишича, махсус хизматлар “Malibu” эгаларининг талаби бўйича, “қўнғизча”ларни олиб ташлаган баъзи усталарни ҳам жазолашган. “Шу сабабдан бу мосламаларни олиб ташлашга мен ҳам кўрқаман. “Malibu” эгаларига дарров рад жавобини беряман”, – дейди тошкентлик автоэлектрик.

Шуни айтиш керак-ки, Асакада ишлаб чиқарилаётган “Chevrolet Malibu” автомобиллари харидорлар учун бошқа сабабларга кўра ҳам ҳақиқий бошоғриққа айланмоқда. Чунки, биринчидан, ушбу машиналарни сотиб олаётган фуқаролар МХХнинг “Бойлар рўйхати”га киритилиб, махсус назоратга олинмоқда. Иккинчидан, машинани сотиб олгач, “Malibu” эгалари Ўзбекистон президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримовага тегишли “Фонд Форум”га 10 миллион сўм миқдорда “ихтиёрий хомийлик пули” тўлашга мажбур бўлишмоқда. Учинчидан, эса баъзи вилоятларда “Malibu” эгалари маҳаллий бюджетга ҳам шунча миқдорда маблағ ўтказишга мажбурланмоқда.

Энди маълум бўлишича, “Malibu” харид қилган ўзбек бойлари ўз автомобилларида МХХнинг тинглаш мосламаларини ташиб юришга ҳам мажбур бўлмоқдалар.

**ЎХХ ахборот бўлими**

Тошкентлик тадбиркор Фарҳоднинг (исми ўзгартирилган) “айби” — намозхонлиги, қилган “жинояти” – маҳалласидаги камтаъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб, ўнқир-чўнқир йўлларни асфалтлагани. Утган йил ёзида маҳалладаги йўлларни обод қилди-ю, тинчлиги йўқолди: Тошкент шаҳар мххчилари уни турли “сухбатлар”га чақира бошлашди.

## ПИВО ИДИШИДАГИ КЎКЧОЙ ВА КАРИМОВ РЕЖИМИ

Режим хизматкорларининг унга қўётган “айблари”ни энг кучли фантастлар ҳам ўйлаб топа олишмаса керак: эмишки, камбағалларга ёрдам бериб, маҳалла йўлларини текис қилиб, Фарҳод аҳоли ўртасида ўз обрўсини оширишни, навбатдаги президент сайловларида ўз номзодини қўйишни ва Каримовдан берухсат президент бўлишни ният қилган экан. Каримов режимининг мххчилари ўртаҳол тадбиркорга: “Анави оилаларнинг уйларига ёрдам кўрсатганинг эса — исломий байтулмол тузганликнинг ўзгинаси”, – деган тухмаатни ҳам тиндирмай ёғдиришмоқда.

Фарҳод қамалиб қолишдан унчалик кўрқаётгани йўқ. У бор мол-

мулки, шу жумладан, яшаётган уй мусодара бўлиб, болалари кўчада қолиб кетишидан хавотирда холос. Ахир, Ўзбекистонда мол-мулк мусодараси деган жазо тури бундан 10 йил илгари бекор қилинган бўлса ҳам, собиқ коммунистик тузумдан қолган ушбу модда амалда диний ва сиёсий моддалар билан айбланаётган фуқароларга нисбатан қўлланиб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун сўнги пайтларда тадбиркор “намозхон” деган тамгадан қутулиш йўлига ўтган. Шу мақсадда у бешвақт намозини фақат уйида ўқиб, жума намозларига бормаи қўйган. Бундан ташқари, “Балтика”, “Heineken”, “Carlsberg”, “Tuborg” ва ҳоказо пиво идишларига кўкчой солиб, ҳар куни кечқурун ховлиснинг олдида, гўёки, пиво ичиб ўтиради. Фарҳод маҳалласидаги “қулоқлар” кўриши учун атайлаб шундай қилади.

Лекин “посбон”, “сардор” ва “маҳалла оқсоқоли” деган чиройли номлар билан айтилаётган “қулоқлар” ҳам, мххчилар ҳам, Каримов режими ҳам анойилардан эмас: улар тадбиркордаги қутилма-

ган, аммо “ижобий” ўзгариллашларга ишонмайди. Яқинда маҳалла оқсоқоли Фарҳодга мххчиларнинг антиқа таклифини етказибди: эмишки, агар тадбиркор маҳаллага кура торлик қилувчи мххчи “опер”ларга “кўкидан” 30 минг узатиб, улар билан бирга ароқ ичиб, фоҳишалар билан бирга зино қилса, “қулоқлар идораси” ишбилармонни тинч кўярмиш.

Оқсоқол Фарҳодга: “Ука, калла-ни ишлатинг! Шу 30 минг долларни садақа қиворинг шуларга. Ишратнинг, қизларнинг харажатларини улар ўзлари тўлашади. Эзага сизни бошқа ҳеч ким ҳеч қаерга қақиртирмайди, фирмангиз ҳам, уйингиз ҳам ўзингизда қолади”, – дегани деган.

Бу ғалвалардан тадбиркорнинг боши қотган: йўқ “айби” ва содир қилмаган “жинояти” учун пора бериб, ароқ ичиб, зино қилай деса — иймон қийнамоқда, шу ишларни қилмай деса – молк-мулкдан ажрай деб турибди. Режим бошқа намозхонлар қатори Фарҳодни ҳам гаранг қилиб қўйган.

Шу сабабдан ҳам ибодатдаги ўзбек тадбиркори ҳозирча кўкчойни пиво идишига солиб, ҳаммага кўз-кўз қилиб ичишга мажбур.

**Аҳрорбек ЭШОНХЎЖАЕВ**



## СУРХОНДАРЁ МХХ БОСИМНИ ҚАЧОН ТЎХТАТАДИ?

Ўзбек халқида ажойиб бир мақол бор. “Ҳечдан кўра кеч” деганларидек, маълумингизким, 2013 йилнинг 7 апрел куни Сурхондарё вилояти “ЭРК” демократик партиясининг фаол аъзолари, Шухрат Самиев ва Сафар Омоновларга нисбатан, Ўзбекистон МЖТКсининг тегишли моддаларига кўра, “Етти кунлик маъмурий қамок жазоси белгилансин” деб Термиз шаҳар суди томонидан қарор чиқарилган эди. Бу қарорга кўра эса, иккала “ЭРК” партиясининг аъзолари жазога тортилди ва энг кам иш ҳаққининг икки баро-бари ҳисобида жаримага тортилди.

Шундан сўнг, “ЭРК” партиясининг фаол аъзолари, Шухрат Самиев ва Сафар Омоновлар, Термиз шаҳар суди ва шаҳар прокуратурасига шикоят аризалар билан мурожаат қилгандилар. Бирок, Улар бу мурожаатга кўра, “маъмурий жазога тортилишимиз муносабати билан суднинг қарорини ва биздан олинган, “ЭРК” демократик партиясига тегишли бўлган, “Нотбук” ва қўл телефонларимизни ҳамда “ЭРК” партиясининг ҳужжатларини қайтариб беришларингизни талаб қиламиз!” деб ёзма равишда мурожаат қилган эди. Аммо, Сурхондарё вилоятининг орган ходимлари эса, бу иккала “ЭРКчи”ларга жавоб хатларини ҳам беришмади...

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖК, ЖПК, МЖТКларининг тегишли моддаларига кўра, “Суднинг қарорини тўла таъминлаш ва озодликдан маҳрум этилган шахс

ва қамоққа олинган маҳбус, суднинг қарорлари ва ҳукмларини ўз вақтида олишларига ҳақлидир. Уларга ҳукм ва қарорларни ўз вақтида таъминлаш, Ўзбекистон ИИБга тегишли бўлган, “ВСХ” “СИЗО” ва бошқа қамоқни ўташ калонларарида берилади. Агар суднинг қарори ва ҳукми ўз вақтида таъминланмаса унда маҳбуснинг адвокати орқали олишга ҳақлидирлар. Ёки, маҳбуснинг судья номига ёзган, “Илтимоснома”сига асосланиб берилади...” Шунингдек, “Озодликдан маҳрум қилинган шахс, суднинг қарорлари ва ҳукмидан ўз норизикларини билдириб, юқори турувчи органларга мурожаат қилишлари ҳақли...” деб кўрсатилган бўлса-да, Сурхондарё вилояти прокуратураси ва суд органлари бу қонунни оёқ-ости қилиб, фуқароларнинг конститутивий ҳақ-қуқларини паймол этган. Худди шунингдек, Сурхондарё вилояти орган ходимлари томонидан, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг Мурожаатлари Тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддалари кўпол равишда бузилган...

“ЭРК” демократик партиясининг, Қумқўрғон тумани бўйича раҳбари, Сафар Омонов 2013 йилнинг май ойида Сурхондарё вилояти ИИБ ва МХХга чақирилган эди. Ундан МХХнинг босими остида, қўлида бўлган, “Нотбук” тортиб олинган. “Нотбук”ни пулини кимдан олгани ва бу “иш” устида ким турганлиги тўғрисида суриштиришган.

Лекин, Суруштурув, “протоколи”га кўра, ИИБнинг ходимлари ва Сурхондарё МХХнинг ходимлари, “Бу ишнинг устида, Фахриддин Тиллаев турбди. Бизни Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатишимизга ўша катта ҳисса қўшмоқда. Бизни маблағ билан ҳам, таъминлаётган ўша” деган мазмунда Сафар Омоновга нисбатан босим ўтказишиб мажбурий равишда қўлидан, “Тушунтириш хати” ёзиб олишган...

“ЭРК” Демократик партиясининг Қумқўрғон тумани бўлимининг раҳбари, Сафар Омонов ўз тирикчилигини ўтказиш мақсадида, Россияга кетиш керак эди. Хатто-ки, у “Термиз-Москва” йўланиши бўйича қатнайдиغان учкучга 1 миллион сўмдан ошиқ миқдорда чипта сотиб олган эди. Бирок, Бу чипта унинг “маъмурий жавобгарлик”ка тортилиш муносабати билан, 1 миллиондан ортик сўм пуллар “ҳаво”га учди...

2013 йилнинг июнь ойида эса, Сафар Омонов Қозоғистоннинг, “Алма-Ата” шаҳрига бориб, мардикорчилик қилиш керак эди. Аммо, Қашқадарё вилоятининг Қамаша туманидаги катта трассада яъни, “Тошкент-Термиз” йўлида автохалокатга учраган. Бу автохалокатда Сафар Омоновнинг оёқ-қўллари ва боши мажакланган. Танаси катта таловатни кўрган. Бу автохалокатни уюштиришда, МХХнинг “қўли” бор деган, “версия”лар ҳам мавжуд...

Асадбек Садриев

## ЛИПЕЦК ШАҲРИДА ЎЗБЕК “ДАНГАСАЛАРИ” ЯШАГАН УЙ ЁҚИБ ЮБОРИЛГАН

Ёнғин оқибатида етти меҳнат мухожиридан афсуски учтаси ҳалок бўлган. Қолган тўрт кишининг таналари турли даража куйган ва яраланган. Маҳаллий газетанинг хабар беришича (gorod48.ru) ўзбек мухожирлар қонуний равишда Русияга ишлаш учун келганлар. Ёнғинда яраланган Мадамжон Мамажоновнинг айтишича, улар ўзлари яшаган шаҳарда маҳаллий инсонлардан ҳеч ким билан жанжаллашмаганлар.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистоннинг ноқонуний Президентни Ислон Каримов ўзининг нотўғри иқтисодий сиёсати туфайли вужудга келган иқтисодий бўҳрон туфайли Русияга иш излаб кетган ҳамюртларимизни “дангасалар”, деб атагани ва улардан жирканишини билдирганиди.

ЎХХ Ахборот Маркази

## ЛОЛА КАРИМОВА АҚШ ДА ҚИММАТБАҲО ВИЛЛА СОТИБ ОЛДИ

Отанг ноқонуний президент ва миллатбоши эмас, ўғрибоши бўлгандан кейин ҳовучингда шўрва экан. Ўзбекистон Президенти Каримов бир пайтлар ўзбек халқига тегишли бир самолёт олтинларини Америкага жўнатаётганда, йўлда олтин қарвони қўлга тушганини ҳамюртларимиз яхши билишса керак.

Шунингдек, Президентнинг эркатой қизлари Гулнора ва Лола Швеция банкларига пул қўйган энг бой аёллардан эканлиги ҳам аҳли жаҳонга маълум. Уларнинг бу банклардаги пуллари бир миллиард долларга атрофида эканлиги маълум. Бу пулларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ҳазинасидан ўғрилгангани ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Бундай ҳаром бойликдан босар тусарини билмай қолган Президентнинг эркатой қизлари дунёнинг



тўрт бурчагида ўзларига қошоналар сотиб олмоқдалар. Бу ҳақдаги сўнги хабарга қараганда Лола Каримова АҚШда 58 миллион долларга вилла сотиб олган. Ҳозирча ўйнаб туришлари ўғри Президентнинг ўғри қизлари, эртага буларнинг ҳисобини албатта берасизлар...

Лола Каримованинги янги вилласининг расмларини мана бу линкдан томоша қилишингиз мумкин: (realty.rbc.ru)

Фурқатбек

## МРБ (ЦРУ) СОБИҚ ХОДИМ СНОУДЕН РУСИЯДАН БОШПАНА ИСТАДИМИ?

Бу ҳақда тарқатилган хабарда, Сноуденнинг Русиядан бошпана олишини истагани, аммо Президент Путин Сноуден АКШ ва унинг дўстларининг манфаатига зид фаолият олиб бормаслик шарт билан Русияда қолиши мумкинлигини айтган. Сноуденнинг бу шартни қабул қилмагани айтилади. (ria.ru)

Сноуден тарқатган сўнгги муҳим хабарлардан бири МРБ нинг АКШ дўстлари ҳисобланадиган ғарб давлатлари раҳбарларининг телефонларини ҳам яширинча эшитгани эди. Бунга энг қаттиқ эътироз Олмония канцлери Ангела Меркелдан келган. Меркел МРБнинг бундай фаолиятларини қабул қилиб бўлмайдиган иш деб атаган ва бу масалада АКШ Президенти Обама билан махсус гаплашишини баён қилган.



Сноуден ва Викиликс тарқатаётган хабарлар дунёни бошқараётган кучларнинг сирли фаолиятларининг фош қилиниши нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир.

**ЎХХ Ахборот Маркази**

## НЕГА АЙТМАС ЭКАНМАН? ҲАММАГА АЙТАМАН!

Кулупнай мавсуми тугади. Аммо бу йилги кулупнай мавсуми бизга жуда қимматга тушди. Ўтган йили далада яшаганимизда, кулупнай эгатларига инсон ахлатини оқизишганига гувоҳ бўлган эдим. Ҳатто кулупнай мевалари ахлатга тегиб туриб пишар эди. Инсон ахлати ерга кўмилиб, ўғит ҳолига келмагунча, ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақида кўп эшитганман.

Қизим меҳмонга бориб, кулупнай еб келди-ю, ҳамма жойига кип-қизил тошма тошиб кетди. Бадани Бухорони пастирига урилган чакичдек эди. Бир кўшнимнинг кистови билан Абдуғофир исмли профессорнинг қабулида бўлишимизга тўғри келди. Профессорнинг бизга биринчи берган саволи шу бўлди: “Эмлашларни ўз вақтида олганми?”

– Йўқ, албатта. Мен болаларимга прививка қилдирмайман.

– Касал бўлса қандай даволанасизлар?

– “Пайғамбар табобати” деган китобим бор, шу китоб асосида чораларини кўраман.

– Сизларнинг пайғамбарингиз профессорми? — деди, хоҳлаб кулиб. Яна, “бирорга эмлашни қилдирмаган болани даволай олмаيمان”, деб кўшиб кўйди.

– Сиз Роберт Мендельсонни “Болаларга қилинган эмлаш уларнинг танасига қўйилган бомбадир” деган китобини ўқиганмисиз?

– Йўқ, ўқимаганман ўқимаيمان ҳам, чунки мен Профессорман! — деди жаноб.

Профессор қабулидан чиқиб кетар эканмиз, оркамиздан “сизлар жоҳил ва саводсизсанлар, итдан ит, битдан бит туғилади”, деган овози эшитилиб турди.

Нимагадир дўхтирларимиз орасида Доктор Хаус услубида сўкиб, ҳақорат қилиб даволаш урф бўлди.

Қизимни халқ табобати бўйича даволадик — у тузалди.

Аслида биз оиламиз билан беш-олти йилдири, табиб ва дўхтирларга эҳтиёж сезмаймиз. Лекин яқинда кизикувчанлигим сабаб, бир табибнинг хузурда бўлишимга тўғри келди. Табиб аёлни танишларим ўрнини келтириб таърифлаб беришган эди, етти

йил Шимолий Хитойда Тибет табобатини ўрганиб келган, тирноғинга қараб бор дардингни айта олади, устига устак хижобли хоним, дея. Хуллас, навбатимиз етиб, 12 ёшли қизим билан ҳузурга кирдик, биздан аввал кирганлар 30-40 нафарча беморнинг ҳаммасини қўлида бир хил Каротина ёғи билан чиқиб келишди. Кейин билсак, табиба ўша фирманинг аъзоси экан. Мен шубҳалана бошладим, наҳотки қирқ хил касалликнинг ҳаммасига битта ёғ даво бўлса? Киришимиз билан қизингини ичи тўла қурт, фалон пул тўлаб компьютеримга тушасан, улар паразитнинг турини аниқлаб беришади, мен унга қарши сизга ёғ бераман, деди.

Қизимни гайморит безовта қилар эди, биз буни халқ усулида консерва қутисидан прополисни тутатиб даволар эдик, аччик тутундан безган қизим енгилроқ йўлини излаётган эди.

Мен, “аппаратга тушишимиз шартми, биз қуртдан эмас гайморитдан шикоят қилиб келдик”, — дедим. У эса, “қанақа жоҳил онасан, икки ойни ичида қизинг ўлади, агар шу ёғни ичириб қуртдан халос қилмасанг”, деб қолди. Қизимнинг кўзлари саволга тўлди, у ўша саволлари билан дам мени, дам табибни ғажирди гуё...

Биз унинг хонасидан чиқдик, бирма-бир хоналарга кўз ташлаб кетардим, ҳар бир хонада биттадан хоним пул санар эди, клиниками бу ер ёки банкми, деворинг келарди беихтиёр.

Бу воқеага ҳам икки йил бўлди, худога шукур қизим тирик, (икки ой ичида ўлиб қолмади). Хориж киноларида кўрамиз, дўхтирлар ўлаётган беморга ҳам, “сиз тузаласиз, ўлмайсиз” дейди. Айтиб ҳам кўрсинчи, ўша кун рухсатномасидан ажралади. Улар беморлари билан ниҳоятда эҳтиёткорлик ва назокат билан гаплашишади.

Қуни кеча рўй берган бир воқеа мени янада хайратга солди. Яқин дугонамга ўзимда хомилдорлик белгиларни сезаётганимдан шикоят қилдим. У ёшим катта эканлигини, икки марта сариқ касалига чалинганимни ва буйрагимдан операция бўлганимни

## ЮМУҚ КЎЗЛАР БАХТИ

(«Сиёсатга аралашмайман»,  
деганларга бағишлов)

Кўзингни юмасан — юмилар оғрик,  
Кўзингни юмасан — йитади қадар.  
Қийноқларинг асли кўзингга боғлиқ,  
Кўзларингни юманг, кетишар бадар.  
Дунё рухсорини қўйма ичингга,  
Кўзларингни чирт юм, кирмасин бехос.  
Чин ёлғонга дўнсин, ёлғонлар чинга,  
Қовоғингга улкан тегирмонтош ос.  
Атрофда кезади нусхалар масрур,  
Қайғу нелигини билмайди улар.  
Сурув-сурув бўлиб кезишади «хур»,  
Бир-бирига бокиб, бахтиёр кулар.  
Улардан ўрناق ол, улардай яша,  
Турмуши уларнинг тақлидга лойик.  
Сен ҳам ўпқонларга ўзингни ташла,  
Агар жарга отса, ўзин ҳалойик.  
Кўзларингни чирт юм, кирмасин инсоф,  
Кўзларингни чирт юм, кирмасин зиё,  
Кўзи юмуқларнинг бахти қордай соф,  
Кўзи очикларнинг кўргани — зиён.

Қийноқларинг фақат кўзингга боғлиқ...

**Мақсуд Бекжон**

биларди. Бундан қутулишнинг йўли бор, фалон жойда бир опа бор, тажрибали гинеколог, уйда хусусий клиника очган, деб қолди. Опа билан боғландим, у нархини айтди, шунча пулни кучоқлаб хузурга бордим. У мени диванга ётқизиб қўлида шприц билан тепамга келди.

– Нима қилмоқчисиз? — сўрадим, ҳайрагимни яшира олмай.

– Наркоз қилиб қўяман, сизга таъсир қилгунча бошқа беморимни кўриб тураман, — деди, у.

– Балки мен хомилдор эмасдирман, сезгиларим алдаётгандир, сиз мени УТТ қилмай туриб, ҳеч нимани сўриштирмай абортга тайёрламоқчимисиз?, — дедим.

Дўхтир хоним сергак тортди. У мени УТТ қилапти-ю, кўзларидаги фикрларни ўқир эдим.

Ниҳоят хулосасини айтди:

– Бола бор, лекин у бачадондан ташқарида, буни аборт қилиш хавфли, уни таблетка билан туширса ҳам бўлади. Сизга юз минг сўмлик таблетка бераман, икки кун ичида уни ичиб кейин ёнимга келасиз.

У ердан чиқдим-у, 2-туғруқхонада қайта текширувдан ўтдим. Улар “Ҳеч қанақа бачадонда ҳам, ундан ташқарида ҳам хомилдорлик белгилари йўқ. Сизни камқонлик безовта қилмоқда”, деган хулосани беришди.

Икки кундан кейин ўша опанинг клиникасига туғруқхонанинг хулосасини олиб бордим. Мен уни қимматбаҳо таблеткаларини ичмаган эдим, зеро бунга хожат ҳам йўқ эди. Опа кўрқа-писа буни ҳеч қимга айтмаслигимни сўради.

– Нега айтмас эканман? Ҳаммага айтаман! Эҳтимол қимлардир ҳақиқатни ёлғондан ажрата олар, аммо ёлғонни танимайдиганларнинг ҳоли нима кечади?

Ёзувчи Асқад Мухторнинг бир гапи бор: Ёлғон ўзи хавфли эмас, унинг ҳақиқатга ўхшаб кетишлиги хавфлидир, деган. Биз ҳам ёлғоннинг ҳақиқатга даъво қилишгидан кўрқамиз.

**Муаййида Шукурова**

### 3. СЕВГИ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг кўлингиздаги китобга киритилган шеърларда севги мавзусидаги асарлар ҳам бор. Бу шеърларнинг муҳотиби, албатта, муҳайёл бир севгили эмас, Солиҳнинг рафикаси Ойдинхонимдир.

Шоир севгини ҳаётнинг маъносини ва инсон зотининг борлик сабаби сифатида кўради. “Бир одам севса, бас” номли тўрт мисрадан иборат шеърда инсониятнинг яшамак ҳаққи фақат севмак қобилияти билан шартланади. Ҳатто биттагина одамнинг севишини (ошиқ бўлиши) бутун башариятнинг оқлиниши ва яшашга ҳақ қозониши учун етар.

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

*Бир одам кимнидир севаркан токи,  
Бир одам севса бас, битта одамзод.  
Бутун башарият яшашга ҳақли,  
Ўзини оқлайди ердаги ҳаёт.*

Солиҳ одамларнинг севги муҳаббатни қандай қилиб бўлса-да муҳафаза этишларини истайди. Унинг ўзи ҳам

*Байроқни яширган янгичи мисоли,*

Орзуни ўмганга боғлаб олганлардан биридир. Ҳаётга ҳоким бўлган ҳаракатсизликка ва ўлим сассизлигига қарамай, у:

*Қорга кўмилди-ку ер аллақачон,  
Мен-чи, ҳамон севаман сени!*

дея билмакдадир.

Шоир “Тонг отмас” шеърда ўзини севгилисига қовушмоқ учун уруш қилган бир аскар сифатида кўради. Ҳатто уруш ҳам унинг ўзи эканини ёзади:

*Менинг ўзим аскар, ўзим урушман,  
Муҳаббатнинг шундоқ кўзи олдида!*

Айни шеърда севгилисига туйғуларини ифода этмак учун эшикни тимдалаб турган

*Ит каби кўзларим билан сўйлайман*

дейди. Лайло ва Мажнун билан Фарҳод ва Ширин афсоналарига мурожат қилиб, бир сонет ёзади ва ўзини “юзинчи” ёки “минггинчи Мажнун” эканини сўйлайди. Бунга муқобил Лайли эса “севгининг ўзидай мажхул” дир. Лекин шоир “омбордан Фарҳод тешасини” олиб, Ширин олдига тиз чўқаркан “Муҳаббатга қуллик яшасин” дея ҳайқиради. Шоир ишқ шеърларини Фарҳод тешаси билан - темир қалам билан қояларга ёзмоқчи. Бу йўлда ҳар нарсасини қурбон қилган шоир:

*Ул қояда бургутлар ўлсин,  
Сатрларга бериб ўз кўксин,  
Ўлсин севги алдаган қушилар.*

дея хитоб қилади.

Шоир “Сўз излайман” шеърда севгилисини тасвирлашга қадар сўз ахтаради.



У севгилисига:

*Жоним, жонгинам,  
Севгилим, меҳрибоним,*

*жигарим*

*Жигаргўшагинам.  
Яна қайси сўзлар қолди,*

*кўрсатинг менга!*

*Ёлғзим, ягонам,  
Қорачиққинам.*

Сўзлари билан хитоб қилгандан кейин:

*Яна нималар бор бисотингизда?*

деб сўрайди. У биттагина чечак олиш учун бутун тувакларни ағдар-тўнтар қилган худбин чол каби севгилисига муносиб сўз ахтаради. Рафикасининг исми билан номланган “Ойдинга” шеърда ҳам турли сифатлар ёрдамида севгисини тилга келтиради. Буни қиларкан, тазодлар пайдо қилган маъно кескинлигидан ҳам фойдаланади:

*Ориққинам менинг,*

*сўзал ниначим,*

*Урушқоним менинг,*

*жаҳилим менинг,*

*Товушқоним менинг, тезкор гиначим*

*Камалак сингари ҳар хилим менинг.*

*Сен менинг ойимсан,*

*менинг мўжизам,*

*Ой каби ҳеч қачон тутилмаганим,*

*Сен ёлғиз кучлимсан,*

*менинг ожизам,*

*Дафъатананим менинг,*

*қутилмаганим.*

*Тилимга ҳеч қачон чиқмайди чипқон*

*Сен ҳақда гапирсам,*

*менинг мўжизам,*

*Сен учун яшасам - узоқ яшайман,*

*Менинг керакқинам,*

*менинг бежизам.*

*Масрур мажнунтолим,*

*мунгли тўронгил,*

*Ойдингинам менинг, ярим қоронгим.*

“Эртага ҳам тузалмасам гар” шеърда севган, аммо севгисини тан олишдан уялган, мағрур бир одам тасвирланади. “Уларга айт, севгилим” шеърда:

*Айт уларга,  
Тушунтир, севгилим,*

*Биз қандай севган эдик  
бир- биримизни  
қандай севган эдик*

*гуллари узилган бўм-бўш оламда*

мисраларда ҳар нарсани бузулган, бутун гўзалликлари йўқолган бир дунёда ҳам севиш мумкин эканлигини ёзади.

Бу баҳсга доҳил этилган “Сен кетгандан сўнг” ва “Сен кетганда” шеърларида севгилидан айри яшамокнинг изтиробини таърифлаётган эпитафиялар билан таърифланади.

### 4. ЁЛҒИЗЛИК ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

Муҳаммад Солиҳнинг шеърларида жуда кўп учрайдиган мавзулардан бири ёлғизлик мавзусидир. Бу ҳодисани шеърнинг 70-йилларда ва 80- йиллар бошида ёзган асарларида кўп кўрамиз. Совет Иттифоқининг ҳам мафкуравий ҳам иқтисодий жабҳада ботқоққа ботган бу давр 1985 йилда бошланган “қайта қуриш”ни туғиши ва беш йил кейин совет империясининг йиқилишини таъминлаши керак эди.

Шоир бу даврнинг “қиличларнинг уйқуси” ўлароқ баҳолайди. Шунга қарамай сензура тазйиқи давом этмоқда эди.

Муҳаммад Солиҳ бу даврда ишсиз эди.

Журналистик таълими олган бўлса-да, бирор газетада иш тополмайди. Йўқчилик сабабли оиласи бузилади, хотини билан ажрашади. Аммо шоир зехнини инсоннинг нимага дунёда келгани муоммасы машғул этади. Одамларга бу дунё жаннатини аргумон этишга сўз берган атеизм ваъда қилинган ҳузурни беролмади. Муҳаммад Солиҳ ҳам Совет даврида динидан узоқлаштирилганлар қаторида “ягона истинотгоҳ”ни, яъни Оллоҳни излайди. Шеър унинг учун Оллоҳни топиш восятасидир. Солиҳ учун “инсон севгиси, санъат севгиси, ҳатто миллат ва ватан севгиси ҳам ўша истинотгоҳ, ўша ҳузур ва сукун манбаи бўлолмайди:

*Бир ожиз жонзод бор тене ё пастда  
Бир заиф мавжудот*

*бордир муқаррар.*

*Йўқса мен ўзимни кучли сезмасдим,*

*Қалб ўзига ишонмас эди бу қадар.*

*Бир куч бордир тепада шаксиз,*

*Ё пастда бир улуг қудрат бор,*

*демак,*

*Йўқса на ўзимни сезаман ожиз,*

*Йўқса нега бунча титрайди юрак?!*

Замоннинг мафкуравий ва иқтисодий сафолати, ишизлик ва ниҳоят диний мушоҳадалар Муҳаммад Солиҳда теран бир ёлғизлик ҳисси уйғотади, ишсизлик ва оиладаги ташвишлар шоирнинг хусусий муаммоларидир. Лекин ёлғизлик ва чорасизлик бутун жамиятнинг проблемасидир.

Муҳаммад Солиҳ 1974 йилда ёзилган “Кўксимдаги бош” номли бир қитъадан иборат шеърда ёппа-ёлғизликни тасвирлайди. Бу мудҳиш ёлғизлик туйғуси ичидан ўзининг ягона дўсти сифатида билган юрагини “силашни” орзу қилади.

Шуъайб Қорақош (Туркия)

## ҲОМИЛА, ТУҒИШ ВА ЧАҚАЛОҚ ПАРВАРИШИ

### Чақалоқ жинси

Чақалоқ жинсини ўрганиш учун УЗИга кетишга ҳеч ҳолат йўқ. Буни шу шаклда тасбит этиш мумкин: Ўғил болага ҳомиладор аёл чақалоқ оғирлиги ва ҳаракатларини ўнг тарафида ҳис қилади. Ўнг кўкраги учи катталашиб, ранги ўзгаради. Юришни ўнг оёқдан бошлайди, ўрнидан туришда ўнг қўлига таянади. Қиз чақалоқда эса, бу аломатлар - тамоман тескари - кўпроқ чап тарафга мойил бўлади.

Ҳомиладорнинг 16 ҳафтаси ниҳоясида, шаклланган чақалоқни тарбиялаш вақти келган ҳисобланади. Унга яхши нарсаларни гапириб бериш, Қуръон ўқиш бериш, ўргатиш мумкин. Чақалоқ она қорнида эшитганларини, туғилгандан сўнг тез ўрганади ва ҳатто эслай олади.

### Туғишга тайёргарлик

Туғиш, дарактларнинг баҳор куёши билан уйғонишига ўхшаш табиий жараёни ва Аллоҳ томонидан энг нозик нуқталарига қадар дастурланган фаолият саналади. Одам Отамиз ва Ҳавво Онамиздан бугунга қадар миллиардлаб инсон ва миллиардлаб сут эмизувчи хайвон дунёга келди.


Кунимиздаги нотўғри ҳаёт тарзи кишилар соғлиғи қадар туғилишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Аммо ақлли ҳаракат қилиб эришилган ҳомила ва туғишга тайёргарликдан сўнг туғиш ва соғлом фарзандга эришиш ҳар доим мумкин. Туғиш осон бўлиши учун ҳомиладор даврида “Мариам” сурасини ва доимий ўлароқ - туғишдан олдин ва кейин - “Иншиқоқ” сурасини ўқиш мақсадга мувофиқ.

Она қорнидаги болага ака-опалари ва отаси ҳамда ўзининг уни интиқлик билан кутаётгани, уни севишлари ва дунё жуда гўзаллигини англаши керак. Шунда чақалоқ дунёга келишдан кўрқмайди.

Аёл туғишдан кўрқмаслиги керак. Чунки унинг ҳам, фарзанднинг ҳам тақдири аниқ. Тақдирида ўлим бўлмаса, ҳар қандай хато ҳам уни ўлимга олиб кетолмайди. Ақс ҳолда, ҳеч нарса уни олиб қололмайди. Фақат Аллоҳ ўрнатган қонунларга қўра, туғиш пайти ўлган аёл шахид ҳисобланади. Бугунги кунда бу мартабага эришган аёлни топиш анча мушкул. Айтишимиз мумкинки, аёл учун ўлим унинг туғиш вақтига тўғри келса, бу энг омадли ҳол бўлади. Туғишдан кўрқмаслик учун мана шуни тушуниб етишининг ўзи кифоя.

Туғиш онда аёл кўрка бошласа, тўғри қарор қабул қилмасдан, туғишни қулайлаштирувчи ҳаракатларни бажара олмайди. Шу билан кўрқув чақалоққа ҳам ўтади. Чақалоқ қурқувидан жигар ёки талокқа сигинади ва бачадондан чиқишни хохламайди. Натижада, уни жарроҳлик йўли билан кесиб олишга тўғри келади.

Аёл кўрқувга, ваҳимага тушмаса, чақалоқ ҳам, бачадон ҳам туғиш



иши учун тўғри ҳаракатланадилар ва туғиш нормал амалга ошади.

Туғишни осонлаштирувчи, бачадонни тозаловчи ва йўлдошни чиқариб ташловчи амаллар:

Ҳомиладорликнинг сўнгги ойида - ҳафтада 2-3 марта (кунда ½ чой қошиқ) - долчин

ва кунда 1 ош қошиқ ивигилган зиғир уруғи ичилади.

Сўнг куйидаги дорилар қилинади:

1 ош қошиқ чўпонтелпак бир стакан сувда паст ҳароратда 5 дақиқа қайнатилади. Седана ҳам шу шаклда қайнатилиб, ҳар иккалар сув сузиб олиб, аралаштирилади ва совугандан кейин 50 грамм асал аралаштирилади. Тайёр бўлган суюқлик спринцовка билан вагинага (бачадон оғзига) сепилади. Айни пайтда заъфарон ёки зиғир уруғидан тайёрланган ичимликка 10 томчи седана ёғи қўшилиб, ичилади.

Ёки: 100-150 грамм зайтун ёғи ичилади.

Ёки: Бир бош саримсоқ, 10 та тоза ёки тузланган яшил зайтун ва битта сабзи ярим литр сувда пиширилади. Сал совугач, эзиб, сузиб ичилади.

Ёки: Тўлғоқ бошлангач эрмана (шувоқўти) ва сано тенгма-тенг аралаштириб, тугилади. Аралашма ярим чой қошиқдан 2 соат оралатиб, 2-3 марта сув билан ичилади.

5 грамм тоза исирик уруғи тугилиб, ютилади ва устидан дам еган можжевельник чойи ичилади.

Тўлғоқ бошланиб, сув келгач, қиннинг бўшашиши, туғишнинг осон кечиши ва йиртилиш содир бўлмаслиги учун қин оғзига зайтун ёғи сурилади. Бир оздан сўнг, бачадон зўриқишларини кучайтириш мақсадида, тоза сикилиб сузилган аччиқ қовун суви қиндик ва қорин остиларига сурилиши ҳам мумкин.

### Табиий туғиш

Туғишларнинг тахминан 95%да чақалоқ боши билан, 5%да кети билан чиқади. Ҳомиладорликнинг охирига қараб, бачадонда даврий равишда, енгил кискаришлар рўй беради. Юқоридан пастга қараб тўлқинланишлар шаклида бўладиган бу кискаришлар кўпайиб, бачадон оғзининг очилишига ва чақалоқнинг туғиш каналига (кувурига) илгариланишига сабаб бўлади.

Кискаришлар туғишнинг бошида 20-30 дақиқада бир марта рўй бериб, борган сари кўпайиб боради ва бачадон оғзи кенгайди. Чақалоқнинг ичидаги сув ҳалтаси туғишнинг ҳар қандай босқичида ўздан-ўзи йиртилиши мумкин. Очилган ҳалтадаги суюқлик қисман чиқади ва бунинг натижасида чақалоқнинг боши автоматик тарзда чиқиш каналига жой-

лашади.

Бачадон кискаришлари янада тез-тез рўй бериб, охирида 2-3 дақиқада бир марта юз бера бошлайди. Туғишнинг сўнгги босқичида бачадон оғзи 10 сантиметргача кенгайди.

Кетма-кет келган кучли кискариб-кенгайишлар билан бачадонда қон камаяди, қоннинг камайиши билан кислород етишмовчилиги кучаяди. Бу ҳолат чақалоқни тирик қолиш учун туғиш йўлига (каналга) чиқиш учун фаол ҳаракатланишга мажбур қилади.

Бугунги кунда туғиш гинекологик алфозда (позицияда) ётқизилиб амалга оширилади. Бу позицияда кучаниш билан бачадон деворларига, қин ва вагина орасидаги мускулларга босим қилинади. Шу тарзда туғиш йўли тораяди ва кучанишларнинг қуввати ортади, болага бораётган кислород озаяди. Натижада бачадон ёки пелвиснинг йиртилиш хавфи пайдо бўлади, туғиш жараёни узаяди, хотиннинг кучи кетади ва бола қийин аҳволда қолади.

Эпидурал анестези, ва сунъий тўлғоқ каби тадбирлар уйғуланса, вазият янада мураккаблашади. Бу ҳолатда аёлга эпизотомия (чиқиш каналини кенгайтириш учун очилган кесик), форсепс(шипци) ва ёки “цезар амалиёти” усулларини қўллаш керак бўлади.

Аммо табиий туғиш алфозида (позицияда) - оёқ устида ёки туғиш табуреткасида туғмоқ бачадонга бўлган босимни енгиллаштиради, болага кислород кўпроқ келади, туғиш жараёни кискароқ бўлади. Ва хотиннинг туғишда харжлаган энергияси камроқ бўлади. Нормал туғиш чақалоқнинг психологияси ва характери шаклланишида позитив рол ўйнайди.

Туғиш қандай тарзда ва қаерда амалга ошгани ҳам жуда муҳимдир. Жаннат каби бир ажойиб жойдан - буюқ кураш билан, ғолиб сифатида - дунёга келган чақалоқ бир-биридан фарқли икки ҳолатга тушиши мумкин: онаси, отаси ва ака-ука ҳамда опа-сингилларининг севгиси, шафқатли она қўлларининг тегишилари, илиқ, юмшоқ кўкракларини, лаззатли ва ҳушбўй она сути, онанинг ёқимли овози билан чиройли сўзлари, сокинлик ва ишонч...

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**